

Тошкент халқаро аэропортида йўловчилар учун янада кенг шароитлар яратилмоқда



11:00 / 10.09.2019 2153

Аэропорт маъмурияти кўп сонли мурожаатлар ҳамда сайёҳларнинг эҳтиёжларидан келиб чиқиб, оператив равишда қўниш зали ҳудудида ибодат қилиш учун намозхона ташкил қилди. Бу ҳақда uzbektourism.uz сайти хабар беради.

Хабарда келтирилишича, ўтган йилнинг ноябрь ойида Тошкент халқаро аэропорти ҳудудида намозхона очилган эди. Ибодат хонаси аэропортнинг халқаро йўналишларни кутиб олиш залининг Б8 йўлаги олдида жойлашган бўлиб, ундан мусулмон йўловчилар ҳозирга қадар фойдаланмоқда.

Таъкидлаш жоизки, бу каби шароитларнинг яратилиши юртимизга зиёрат туризми мақсадида ташриф буюрувчи мусулмон сайёҳлар ҳамда

Ўзбекистон фуқароларига қўшимча қулайлик туғдиради. Шунингдек, аэропорт маъмуриятининг бу каби мурожаатларга оператив муносабат билдириши халқнинг давлат идораларига бўлган ишончини янада мустаҳкамлайди ҳамда мамлакатимизда жамоатчилик назоратининг кучайиб бораётганидан далолат беради.

Image not found or type unknown




Image not found or type unknown



Islom.uz портали таҳририяти